Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

8-йил чиқиши.
21 ИЮЛ 1973 й.
ШАНБА
№ 169 (2153).
БАҲОСИ 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Тонгги газеталарда

● СССР Олий Совети олтинчи сессиясида қабул қилинган қарорлар, шу жумладан СССР Олий Советининг «СССРда халқ маорифининг аҳволи ҳамда умумий ўрта, ҳунар-техника, ўрта махсус ва олий таълимни янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарори ва «Халқ маорифи тўғрисида ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонун асослари» эълон қилинган.

● Куба Республикасининг революцион байрами — Монкада казармаси штурм қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашмоқ учун КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси Куба Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Революцион ҳукуматининг таклифига биноан 19 июлда Москвадан Гаванага жўнаб кетди.

● Совет ҳукумати афғон халқига бўлган доимий дўстлик ҳис-туйғуларига амал қилиб, Афғонистон Республикасини расмий равишда тан олди.

МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИДАН

20 июлда Тошкентда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш масалаларига бағишланган республика партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда область партия комитетларининг секретарлари, область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, меҳнаткашлар депутатлари шаҳар, район Советлари ижроия комитетларининг раислари, министрликлар, идоралар, йирик корхоналар, қурилишлар, колхоз ва совхозлар, касаба союз ва комсомол органларининг раҳбарлари, корхона ва маиший хизмат ташкилотлари партия ташкилотларининг секретарлари, халқ хўжалиги ана шу тармоғи ишлаб чиқариш илғорлари, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети аппаратининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Йиғилишни Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин кириш нутқи сўзлаб очди.

Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов беш йилликнинг учинчи йили планини муддатидан илгари бажариш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш соҳасида маиший хизмат корхоналари коллективларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Доклад юзасидан бўлган музокаларда Хоразм область партия комитетининг иккинчи секретари И. П. Дрижак, Қорақалпоғистон АССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри О. Олломуротова, Фарғона область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари И. Ф. Яковлев, Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, Бухоро якка тартибда кийим тикиш фабрикаси партия ташкилоти секретарининг ўринбосари М. Хатамова, Наманган шаҳар ижроия комитетининг раиси К. Мамарасулов, Марҳамат район маиший хизмат комбинати комсомол-ёшлар бригадасининг раҳбари О. Хошимова, Узбекистон ССР қурилиш министрининг ўринбосари М. Х. Ҳамидов, Қашқадарё область ижроия комитети раисининг ўринбосари С. Э. Ражабов, Узбекистон ССР коммунал хўжалик министри А. М. Илюхин, Чирчиқ шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари А. И. Аникин, Сариосиё район маиший хизмат комбинатининг директори Х. Қ. Қўзиев, Узбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри А. И. Бродова, маҳаллий саноат ва коммунал-маиший корхоналар ишчилари касаба союзи республика комитетининг раиси А. К. Алиева сўзга чиқдилар. Йиғилишда Узбекистон Компартияси Марказий Комитети савдо, план ва молия органлари бўлимининг мудири А. И. Охунжонов нутқ сўзлади.

Йиғилиш қатнашчиларининг таъкидлаб ўтишича, республикада маиший хизматни такомиллаштириш соҳасида муайян ишлар қилинган. Икки ярим йил мобайнида аҳолига кўрсатилаётган хизмат ҳажми 57,7 процент, қишлоқ жойларида эса 77,1 процент кўпайган. Маиший хизмат кўрсатувчи юздан ортиқ йирик корхона қурилиб фойдаланишга топширилган. Халқ хўжалигининг ана шу муҳим тармоғида хизмат қиладиган кадрлар кўпайиб бормоқда, уларнинг профессионал маҳорати такомиллашмоқда.

Шу билан бирга, докладда ва сўзга чиққан ўртоқларнинг нутқларида кўрсатиб ўтилганидек, шаҳар ва қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш аҳволи, шунингдек, маиший хизмат кўрсатишнинг моддий-техника базаси ривожланиши КПСС XXIV съезди талабларига ҳали ҳам жавоб бермаяпти. Республикада аҳолига хизмат кўрсатиш доирасининг ривожланиш даражаси мамлакатдаги ва кўпчилик иттифоқдош республикалардаги ўртача кўрсаткичлардан ҳамон анча орқада қолмоқда. Бу кўрсаткичлар Қорақалпоғистон АССРда, Хоразм, Бухоро ва Сирдарё областларида айниқса нескин равишда орқада қолмоқда.

Қабул қилинган қарорда маиший хизматни янада такомиллаштириш тадбирлари белгиланди.

Республика партия-хўжалик активи йиғилиши маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг коллективларни социалистик мусобақани янада кенг авж олдириб беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили планини ва олинган мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун бутун куч ғайратларини сарф қиладилар ва партия XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун курашга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдирди. (УзТАГ).

Беш йиллик — муддатидан илгари

«Юлдуз» тикувчилик фирмасининг чеварлар коллективи тўқиқизинчи беш йиллик топшириқларини шараф билан бажаряпти. Корхонада арзон ҳамда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ташаббуси кун сайин ривож топмоқда. Сиз мана бу суратда ташаббускорлардан бири — тайёрлаш цехи илғор бригадаси бошлиғи Нафиса Ражабовани кўриб турибсиз. Бу ишлаб чиқариш новатори ҳозир 1975 йил ҳисобига меҳнат қилаяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

Шаҳар—қишлоққа

ЎЗ ВАҚТИДА

Пойтахтнинг Ленин районидаги ишлаб чиқариш корхоналари Сирдарё область Сирдарё ва Тошкент область Ўрта Чирчиқ районларидаги хўжаликларини ўз оталиқларига олишган. Ана шу районлар билан 1973-1975 йилларга мўлжалланган шартнома тузилди. Ўзаро социалистик мусобақа шартлари белгилаб олинди.

Бу йил пойтахт районидаги ишчилари Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» ва Карл Маркс номли колхозларга янги ерлар очишда ёрдамлашдилар, ана шу мақсадлар учун керак бўладиган техника воситаларини ўз вақтида етказиб бердилар.

Шунингдек, Ўрта Чирчиқ районига учун 60 тонна цемент, 10 минг дона гишт, 500 дона шифер ва турли хил механизмлар юборилди. Бу материаллар оталиқдаги хўжаликда қурилаётган объектларда ишлатилади.

ИККИ КЎРГАЗМА

Республика кўргазма ва панорамлар дирекцияси Тошкент областининг бир қатор районларига кўчма кўргазмалар жўнатди. Ана шу кўргазмалардан бири куни кеча Чорвоқда очилди. Унда республикамиз рассомларининг Чорвоқ ГЭСи қурилиши, унинг бунёдкорлари, Чимён манзаралари акс эттирилган асарлари намойиш қилинмоқда. Г. Чигановнинг «Чорвоқ бургутлари», Ю. Юровскийнинг «Чорвоқ дараси», Ҳ. Тансиқбоевнинг «Тоғларда тонг», асарлари, М. Имомов, Р. Чориев, Қ. Башаров, Н. Кашина, Н. Қўзибоев ва бошқаларининг хилма-хил жанрлардаги расмлари шулар жумласидандир. Кўргазма 15 кун намойиш қилинади.

Юқори Чирчиқ районининг «Правда» колхозида эса рассом Н. Пакнинг ижодий кўргазмаси очилди.

ЭРТАГА—САВДО ХОДИМЛАРИ КУНИ

Харидорларга ғамхўрлик

Бизнинг интервью

Эртага—савдо ходимлари куни. Бу соҳанинг меҳнаткашлари ўз байрамларини қандай ютуқлар билан кутиб олмоқдалар, шаҳримизда савдо тармоқларининг келгусидаги ривожланиш истиқболлари нималардан иборат ва савдода қандай янги формалар жорий қилинади! Биз ана шу саволлар билан Узбекистон ССР Савдо министри Ғафур Ғиёсович ЮСУПОВга мурожаат қилдик. У қуйидагиларни гапириб берди.

— Кейинги пайтларда кенг қулоч ёзган социалистик мусобақаларнинг шарофати билан савдо системасини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Республикада улуғвор беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили товар оборот плани биринчи ярми бўйича ошириб бажарилди. Кооперативлар и м н з тухум сотиб олиш йиллик планини муддатидан илгари адо этдилар, шунингдек, сабзавот сотиб олиш ярим йиллик планни ҳам бажарилди.

Корхоналарда, қурилишларда, муассаса ва ўқув юртларида жамоат овқатланиши бўйича хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Заводлар ва корхоналар қошидаги кулинария ва ярим масаллиқлар магазинларининг тармоқлари кенгайтирилмоқда. Абонементлар бўйича таомлар бериш, буюртма асосида ранг-баранг таомлар столларини безаш, ишлаб чиқариш технология жараёни узлуксиз бўлган цехларда ишчиларнинг иш жойларига таомлар етказиб бериш каби илғор хизмат усуллари ривожланиб бормоқда.

Тошкентдаги «Таштекстильмаш», Чкалов номли авиация, «Ташсельмаш» заводлари ва бошқа корхоналарда жамоат овқатланиши намунали йўлга қўйилган.

Савдо системасида харидорларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усуллари ҳаётдан мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Унинг афзалликлари ҳақида гапириб ўтиришга ўрин бўлмаса керак. Республика миқёсида ўз-ўзига хизмат кўрсатиш бўйича кооперация савдоси соҳасида, айниқса, катта муваффақиятлар қ р г а эришилди. Биргина Тошкент шаҳрида 1609 та магазиндан 258 таси ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усулида ишламоқда.

Савдонинг моддий-техника базаси йилдан-йилга ўсиб, ривожланиб бормоқда. Бир қатор биринчи классли магазинлар, ошхоналар, қаҳвахоналар, ресторанлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу йилнинг охиригача Узбекистон пойтахтида яна савдо майдони 2600 квадрат метрдан иборат бўлган 12 та йирик савдо корхонаси ишга туширилади. «Шарқ» ресторани ва «Дўстлик» кафесини реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилади. Бу ишлар польшалик мутахассислар ҳамкорлигида бажарилади.

Тўққизинчи беш йилликда давлат ва кооперация савдоси йўли билан биз 318 миллион сўмлик капитал маблағни ўзлаштиришимиз лозим. Бу пулларга янги универмаглар, гастрономлар, жамоат овқатланиш корхоналари, савдо омборлари қурилади. Шу беш йилликда савдо техника тараққиёти шиори остида ривожланади, бир қатор ишлар механизация ва автоматизация зиммасига юкланади, фан ва техниканинг ютуқлари ишлаб чиқаришга тадбиқ этилади. Шу йилнинг ўзида Тошкентдаги сабзавот комбинатида картошка, сабзавот ва меваларни махсус халталарга соладиган механизациял а ш т и рилган ноток линияси ишга туширилади, шаҳар кўчаларида газсув сотадиган янги типдаги 80 та автомат, яна 150 та назоратчи кассали автоматлар ишга туширилади.

Аҳолига буюртмалар бўйича олдиндан хизмат кўрсатиш савдоси янада ривожлантирилади. Ҳозирги пайтда Узбекистон пойтахтида савдонинг бундай усули «Хизмат-беминнат» фирмасида қўлланилмоқда. Район озиқ-овқат савдоси бўлимлари ва «Гастроном» идорасига қарашли 20 та магазинда ҳам олдиндан буюртмалар қабул қилинмоқда. Шу йилнинг охиригача бундай буюртмалар ҳажми 1,5 марта кўпайтирилади.

Ҳар бир харидорнинг ҳурматини қозониб, унинг раҳматига сазовор бўлиш савдо ходими учун қувонарлидир. Бизнинг асосий вазифаларимиздан бири ходимларни юқори малакали, маълумотли, юксак фазилат эгалари қилиб тарбиялаш ва кадрлар составининг сифатини яхшилашга эришишдан иборатдир.

«МАРҲАМАТ»ЛИКЛАР ҒАЙРАТИ

Октябрь колхоз бозорига кираверишдаги ойнавандли «Марҳамат» магазини узоқ-узоқлардан ҳам кўриниб туради. Ушбу магазин коллективи Собир Раҳимов районидаги магазинлар ичида 16 йилдан бери намуна бўлиб келмоқда. Савдо-сотиқ соҳасида, ҳам, аҳоли билан бўлган муомалада ҳам яхши кўрсаткичларга эришгани учун райпишчеторгнинг кўчма Қизил байроғини ўз қўлида сақлаб келмоқда. Сотувчиларнинг кўпчилиги ёшлар. Коллективда 6 та коммунист, 17 та комсомол аъзоси бор.

Магазинда кунига 6670 сўмлик савдо қилинмоқда. Натижада, ҳар ойда 170 минг ўрнига 220 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари реализация қилинмоқда.

Магазин ўтган ярим йилда 1 миллион 200 минг ўрнига 1 миллион 420 минг сўмлик савдо-сотиқ ишларини бажарди.

Савдо ходимлари куни арафасида коммунист Жалолиддин Раҳмонбердиев номи райпишчеторгнинг «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди. Сотувчи Шавкат Қосимов Фахрий ёрдиқ билан, магазин директори ўринбосари, савдо аъзочиси Эркин Тошмўҳамедов эса район партия комитетининг ёрлиғи билан мукофотландилар, бир қанча сотувчиларга раҳматномалар берилди.

СУРАТДА: савдо пайти. Магазиннинг катта сотувчиси, коммунист Жалолиддин Раҳмонбердиев (ўртада) ёш сотувчилар билан.

Ҳ. Шодиев фотоси.

Пойтахтимиз меҳмонлари

Узбекистон дўстлик жамиятида

СССР — Бангладеш: дўстлик!

Куни кеча Тошкентда «СССР—Бангладеш» дўстлик жамияти делегацияси аъзолари меҳмон бўлди. Узбекистон чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар жамиятига республикамиз матбуот вакиллари билан учрашиш учун «Бангладеш—СССР» дўстлик жамияти президенти, парламент аъзоси, таниқли жамоат арбоби, шоира Суфия Бегум Камол, шу жамиятнинг бош секретари Муҳаммад Наби, делегация аъзоси Бону Али Асқадлар ташриф буюришди. Улар йиғилганларнинг саволларига жавобан ўз сафарларининг мақсади, Бангладеш Халқ Республикаси ва Узбекистон ўртасидаги дўстона алоқалар ҳақида гапириб бердилар.

— Биз СССРни ўзимизнинг дўстимиз деб биламиз,— деди Суфия Бегум Камол. — Бангладеш—янги мустақил давлат. Халқимизнинг ўз ҳуқуқини ўзи белгилаш ва милли мустақиллик учун курашга совет халқи томонидан хайрихоҳлик ва дўстона ёрдам кўрсатилди. Биз ҳам ўз мамлакатимизда социализм қурмоқчимиз. Шу сабабдан, Совет Иттифоқидан ўрганишимиз лозим бўлган нарсалар жуда кўп. Кенгайиб бораётган маданий алоқаларимиз бу ишга янада ёрдам бериши, шубҳасиз.

Мамлакати м и з д а СССР билан дўстлик ҳаракати тобора кучайиб боряпти. Халқимиз Совет Иттифоқининг коммунистик жамият қуришдаги ютуқларини, маданияти ва тарихини қизиқиб ўрганмоқда.

— Совет Иттифоқида,— деб ҳикоя қилади Муҳаммад Наби,— тўртинчи марта бўлишим. Бу сафарги келишдан мақсад — «СССР - Бангладеш» дўстлик жамияти фаолиятини муҳокама қилишдир. Ишонч билан айтишим мумкинки, бу қизиқарли сафардан сўнг маданий алоқаларимиз янада кенгаяди.

Ёш республикамиз ҳукумати олдида экономикани тиклаш ва тараққий қилдириш вазифаси турибди. Қисқа вақт ичида анчагина ишлар қилинди. Саноат корхоналари ишга тушди, қишлоқ хўжалигини қайта ташкил қилиш давом этяпти. Буларнинг ҳаммасида Совет Иттифоқи бизга қиқиндан ёрдам бермоқда.

Тошкент корхоналари ҳам Бангладеш бўюртмаларини бажаряптилар. Кўплаб тракторлар, юк туширгич прицеплар етказиб берилаяпти. Республикамизда ўзбек артистлари, олимлари, кинематографч и л а р и меҳмон бўлишди.

— Мен эса,—дейди делегация аъзоси Бону Али Асқад.— Тошкентдан олган ўз тассуротларимни ўртоқлашмоқчиман. Шаҳар менда ўзининг меъморчилиги, планлаштирилиши билан катта таассурот қолдирди. Республика халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасини мароқ билан томоша қилдим. Кўрган нарсаларимизнинг ҳаммаси ўзбек халқи турли соҳаларда эришаётган улкан ютуқларни яққол намойиш этиб турибди.

Совет Узбекистонида меҳмон бўлганимиздан жуда хурсандмиз. Тошкентликларга улкан муваффақиятлар ва бахт-саодат тилаймиз.

ЖИЗЗАХДА САНЪАТ БАЙРАМИ

М. Қориёқубов номли Узбекистон Давлат филармонияси санъаткорлари Тошкент областининг Олмалиқ, Оҳангарон, Оққўрғон каби бир қатор районлари меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатдилар. Ҳозирги кунда «Лазги» ашула ва рақс ансамбли Андижон области пахтакор ва чорвадорлари хизматида юрибди.

Бугун

Жиззах шаҳрида Санъат байрами бошланди. Жиззахлик меҳнаткашлар ҳузурига «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли артистлари меҳмон бўлиб келишди.

Ансамбль иштирокчилари областнинг бир қатор районларида бўлишади. Шундан сўнг Фарғона, Наманган областларига йўл олишади.

Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган санъат байрами репертуаридан замонавий қўшиқлар кенг ўрин олган.

Беш йиллик илғорларини олқишлаб

Кеча

Октябрь районидаги 3-тикувчилик, «Сувенир», «Чевар» фабрикалари, деталларни комплектлаш корхонаси, «Средазгипроводхлопок» лойиҳа институтларининг коллективлари улуғвор беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили биринчи ярми топ-шириқларини ўз вақтида бажардилар. Корхоналарда планга кўшимча бир неча ўн минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Район маданият бўлими ана шу корхоналар коллективлари кўнглини хушнуд қилиш мақсадида санъат байрамларини ўтказишни ташкил қилди.

корхоналарда биринчи санъат байрами ўтказилди. Бадиий буюмлар фабрикаси ашула ва рақс ансамбли коллективи 3-тикувчилик фабрикасида бўлди. Улар Ватан ва партия ҳақидаги қўшиқларни маҳорат билан ижро этдилар. Байрамда Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат боғининг «Тановар», Навоий номли маданият уйининг «Ёшлик», А. Қаҳҳор номли ва «Восток» клубларининг ҳаваскорлари хизмат кўрсатдилар. Навбатдаги байрам келгуси ойда ўтказилади.

РЎЗҒОРБОП БУЮМЛАР

Тошкент ўрмон хўжалигида очилган янги цех коллективи қисқа муддат ичида анчагина меҳнат ютуқларини қўлга киритди. Ярим йилга мўлжалланган ишлаб чиқариш плани ортиғи билан бажарилди. Пландаги 77 минг сўм ўрнига 87 минг сўмлик халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарилди.

Маҳсулот тури 29 тага етказилди. Улар орасида уй-рўзғорда кўп ишлатиладиган буюмлар, хўжалик сумкалари, саватлар бор.

Йил охиригача ана шундай буюмлардан 196 минг сўмлик тайёрлашга ахд қилинди.



КХДРнинг енгил саноат корхоналари ишлаб чиқариш суръатини тезлаштирмоқдалар. Кийим-кечак, пайпоқ, устки трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш кўпайди, сифати эса яхшиланди.

СУРАТДА: Саривондаги трикотаж фабрикасининг цехида.

ЦТАК—ТАСС фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

● БЕЛГРАД. Югославиянинг саноат ишлаб чиқариши шу йилнинг олти ойи мобайнида 1972 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 6,9 процент кўпайди. Кемасозлик, рангли металлургия соҳасида ва электр энергияси ишлаб чиқаришда, айниқса юксак суръатларга эришилди. Иттифоқ статистика бошқармасининг хабар беришича, Югославиянинг ярим йил ичидаги экспорти 13 процент импорти эса 38 процент кўпайган.

● ГУАЯКИЛЬ. Бу ерда миллий комиссия ўз ишини бошлади. Комиссиянинг мақсади — тинчликсевар кучларнинг Москвада ўтказиладиган жаҳон конгрессига тайёргарлик юзасидан Эквадор комитетини тузишдан иборат. Комитетга Гуаякиль институтининг ректори Эдмундо Дуван Динас бошчилик қилади.

Комиссиянинг ташаббуси билан мамлакатда вилоятларда тайёргарлик комитетлари ташкил қилинмоқда, лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Ана шу лекция ва суҳбатлар чоғида Москва анжуманининг мақсад ва вазифалари тушунтириб берилмоқда.

● ТОКИО. СССРдан Якутия табиий газини Японияга етказиб бериш ҳамда Япониядан Совет Иттифоқига банк кредити шартларида газ қувури ётқизиш ва бошқа объектлар қуриш учун ускуналар ва материаллар етказиб бериш ва сўнгра кредитни газ етказиб бериш йўли билан қоплаш билан боғлиқ бўлган ҳамкорлик масалалари юзасидан Совет ва Япония делегациялари ўртасида ҳамда илгари Москвада бошланган музокаралар 6 июлдан 17 июлгача Токиода давом эттирилди.

Музокаралар чоғида Якутия газ комплексини барпо этишда Япония билан бир қаторда Америка компаниялари ва ташкилотл а р и нинг иштирок этиш имкониятларига доир масалалар ҳам муҳокама қилинди. Томонлар музокараларни давом эттиришни кўзда тутувчи меморандумни имзолашдилар.

(ТАСС).

Турли маршрутлар бўйлаб...

Деярли ҳар куни пойтахтимиз ишлаб чиқариш корхоналарининг ишчилари, муассасалар, ташкилотларнинг хизматчилари туристик йўлланма билан мамлакатимизнинг гўзал шаҳарлари бўйлаб саёҳатга чиқадилар.

Кеча

ҳам саноат корхоналарининг бир группа ишчи, хизматчилари Олмаота, Самарқанд шаҳарлари бўйлаб саёҳатга йўл олдилар. Улар орасида Ўрта Осиё темир йўл бошқармасининг электр устахонаси, 7-таксомотор парки, 2-тикувчилик фабрикаси, теплевоз депоси ишчи-хизматчилари бор.

Шу куни яна бошқа бир группа тошкентликлар Иссиқкўлга жўнаб кетишди.

Бугун

пойтахтдаги тара ремонти заводи, трамвай-троллейбус депоси, Ленин номли электрон-техника заводининг бир группа ишчи, хизматчилари ҳам Иттифоқимиз шаҳарлари бўйлаб саёҳатга жўнаб кетишди.

ЛЕНИНЧА ЖУМАЛИКЛАР

ЮТУҚЛАРГА УНДОВЧИ ИЛҲОМБАХШ СЎЗЛАР

В. П. Чкалов номли авиация заводининг барча ишлаб чиқариш коллективларида бўлиб ўтаётган «Ленинча жумаликлар меҳнаткашларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Корхонада «Ленинча жумаликлар» ўтказиш В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик арафасида бошланган бўлиб, бу анъана ҳозир ҳам давом этиб келмоқда. Фақат сўнгги икки йилнинг ўзидагина 600 дан ортиқ «Ленинча жумаликлар» ўтказилди. Жумладан, 200 дан ортиғи шу йилнинг ўзида олиб борилди.

Корхона раҳбарлари, партия комитети бюросининг аъзолари, етакчи бўлим ва хизмат бошлиқларининг ой сайин ишчи ва хизматчилар коллективлари билан учрашиб, Ленин ғояларини, КПССнинг тинчликсевар ташқи сиёсатини, партиянинг тўққизинчи беш йиллиқдаги иқтисодий сиёсатини қизғин пропаганда қилишлари ажойиб анъана бўлиб қолди.

Шу йилнинг ўзидагина Л. И. Брежневнинг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг эллик йиллиги тўғрисида»ги докладига, КПСС Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги қарорига, 1973 йил социалистик мажбуриятларининг коллектив томонидан қандай бажарилаётганлигига, КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми якунлари ва бошқа масалаларга бағишланган «Ленинча жумаликлар» бўлиб ўтди.

Шундай анъаналардан бири шу йилнинг июнь ойидаги жумаликлардан бирида ўтказилди. Шу куни корхонанинг 30 дан ортиқ раҳбар ходимлари заводнинг ҳаммиз йирик бўлинмаларида бўлиб. КПСС XXIV съездининг ташқи сиёсат программаси тўғрисида ҳикоя қилдилар ҳамда меҳнаткашларнинг саволларига жавоб бердилар.

Беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида бўлиб ўтган анъанавий «Ленинча жумаликлар»дан бирида ишлаб чиқариш резервлари тўғрисида, мусобақа илғорларининг ажойиб ташаббуслари тўғрисида гап борди. Чунки, илғорлар ташаббуси корхона коллективининг беш йилликнинг ҳал қилувчи йили планлари ва қабул қилган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга имкон беради.

Заводда ана шу темага бўлган қизиқиш ўз-ўзидан тушунарлидир. Чунки, меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан беш йиллик топшириқни тўрт йилда бажариш мажбуриятини олган 3-цех фрезерчиси, СССР Олий Совети депутати Альбина Девятованинг ватанпарварлик ташаббуси издошлари бугунги кунда заводда 5 минг кишидан ортиб кетди. Бу издошлар шахсий мажбуриятларини шараф билан адо этмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқулланган Альбина Девятованинг ташаббуси бугунги кунда фақат Тошкентдагина эмас, балки республикамизнинг барча ишчи коллективлари ўртасида кенг қулоч ёйди. Шунинг учун ҳам завод меҳнат ветеранлари ва ёшлари беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун, Ўзбекистон ССР ташкил топганлигининг 50 йиллигини муносиб нишонлаш учун социалистик мусобақани қандай қилиб яхши ташкил этиш ҳамда уни кенг авж олдириш масаласини биргаликда ҳал қилдилар. Шу туфайли, янги-янги ташаббуслар тўғрисида, социалистик меҳнат интизоми, касб маҳоратини ошириш тўғрисида гап борди.

Шу йилнинг январь ойида завод инженер-техник ходимлари, хизматчилари ва ишчилар умумзавод «Ленинча жумаликнинг ўтказиш мақсадида цехлардан бирига йиғилишди. Бу йиғилиш СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунида ғолиб чиққан корхона коллективига КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг юбилей Фахрий нишонини топширишга бағишланган эди. Коллективга юбилей Фахрий нишонини топшириш учун бу ерга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов келди. Ўртоқ Ш. Р. Рашидов мукофотни топшира туриб, коллективни Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган юксак кўрсаткичлари билан табриклади. ҳамда 1973 йил давлат топшириқларини бажаришда бундан буён янада улкан ютуқларни қўлга киритишлари тўғрисида истак билдирди.

Тўққизинчи беш йилликда чкаловчилар олдида турган вазифалар мураккаб ва масъулиятлидир. Буни бир мисолдан билса бўлади. 1975 йил охирига бориб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 2,5 баравар ошириш керак. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 83 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан таъмин этилади. Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда экономика ва техника билимларини кенг пропаганда қилиш муҳим аҳамият касб этади. Экономика ва техника билимлари корхонанинг ҳамма бўлинмаларида кенг пропаганда қилиб борилмоқда.

Фаннинг ишлаб чиқариш билан мустаҳкам алоқасини қандай йўлга қўйиш керак? Меҳнат унумдорлигини бундан буён нималар ҳисобига ошириш мумкин? Ишлаб чиқариш резервларидан қандай қилиб тўла фойдаланиш мумкин? — Завод раҳбарлари ҳамда инженер-техник ходимлари ана шу масалаларни ҳал этишга биринчи даражали аҳамият бермоқда.

Корхонада 1972—1975 йилларга мўлжалланган иқтисодий ўқув плани мавжуддир. Бу план КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларга иқтисодий билим беришни яхшилаш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Планда меҳнаткашларнинг ҳамма табақалари малакасини оширишга имкон берувчи цикли лекциялар, лекторийлар, коммунистик меҳнат мактаблари кўзда тутилгандир. Ана шу лекциялар, лекторий ва коммунистик меҳнат мактаблари меҳнаткашларни фан ва техниканинг энг янги ютуқлари билан, илғор иш методлари ва меҳнатни илмий ташкил этишда эришилган ютуқлар билан таништиради. Иқтисодий ва техника билимлари лекция пропагандаси асосан корхона раҳбар кадрларига юклатилгандир. 1972 йилда бўлинмалар коллективлари ўртасида ўқилган 6312 лекциядан 200 дан ортиғини корхонанинг аниқ экономика илмини яхши билувчи раҳбар кадрлари, 700 дан ортиғини техника ва техника тараққиёти бўйича мутахассислар олиб бордилар. 357 лекция илғор иш тажрибаларини ўртоқлашишга бағишланди.

Заводнинг раҳбар ходимлари КПСС XXIV съезди қарорларини пропаганда қилиш бўйича катта иш олиб бормоқдалар. Бўлим бошлиқлари, техника фанлари кандидатлари И. А. Бекбўлатов, В. А. Вайсбург, А. Л. Вишневский, С. М. Иоффе, бош инженер А. С. Сисцов, бош мутахассислар ва хизмат бошлиқлари, етакчи бўлим ва цех бошлиқлари меҳнаткашлар ўртасида иқтисодий ва техника масалалари бўйича мунтазам равишда суҳбат ва лекциялар ўтказиб турадилар.

Завод раҳбар ходимлари иқтисодий, илмий-амалий, информацион ва назарий конференциялар ўтказишда фаол қатнашмоқдалар. Кейинги уч йил ичида завод партия комитети 50 дан ортиқ ана шундай конференциялар ўтказди. Бу конференцияларда КПСС нинг тўққизинчи беш йиллиқдаги иқтисодий ва техника сиёсатининг энг актуал проблемалари кўриб чиқилди.

Корхонада икки йилда бир марта иқтисодий конференция ўтказиш қонда бўлиб қолди. Бу конференцияда Москва, Горький, Киев, Воронеж, Новосибирск ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидаги турдош корхоналарнинг вакиллари иштирок этадилар. Конференцияларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан корхоналарнинг иқтисодий ислоҳот шароитида иш олиб бориши, техника тараққиётини йўлга қўйиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан таклифлар қабул қилинади.

Иқтисодий ва техника билимларини кенг пропаганда қилишда бу борада кўргазмалар ташкил этиш энг яхши формалардан бири ҳисобланади. 1972 йилнинг ўзидагина экономика ва техника бўйича 27 кўргазма тайёрланди. Ўтган йилларда завод партия комитети ёш ишчиларнинг донгдор кишилар, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлар билан учрашувларига, иш тажрибаларини ўртоқлашишга бағишланган 42 учрашув ташкил этди. Шундай учрашувлар бўлиб ўтган бўлимлар коллективларида ишчилар меҳнатнинг янги методларини билибгина қолмай, шунингдек, ўз иш жойларида техника тараққиётини ривожлантиришнинг янги технологияни жорий этишнинг иштирокчилари ҳам бўлдилар ва меҳнат унумдорлигини оширдилар.

Завод раҳбар кадрлари пропаганда ишларини КПСС Марказий Комитетининг «Тошкент шаҳар партия ташкилотларидаги раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқуви ва иқтисодий таълими тўғрисидаги Қарори асосида олиб бормоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг Қарори асосида иш олиб борилаётган завод партия ташкилоти кадрларнинг ғоявий-назарий ва сиёсий чиниқишлари устида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда ва бу билан меҳнаткашларни коммунистик рухда тарбиялаш, уларнинг меҳнатга онгли муносабатда бўлишларини ҳамда ижодий фаолликларини оширишда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Тарих Ленин кўрсатиб берган йўлдан ривожланмоқда. Владимир Ильич тарихни халқ оммаси яратажагини чуқур ҳис этган. Аммо, халқ оммаси тарихни яратиш учун унинг ривожланиш қонунларини, марксизм-ленинизм классиклари томонидан яратилган янгиликларни билиши керак. Билиш учун эса, ўқиш керак. Ғолибкор ленинизм илмини қунт билан ўрганиш керак.

Корхонада ўтказилаётган анъанавий «Ленинча жумаликлар», сиёсий ўқув ҳамда иқтисодий билимларнинг ҳамма системаси ана шу йўлда хизмат қилмоқда.

В. ЯШИН.

«Билим» жамиятн авиация заводи ташкилотн правлениесининг раиси.

Тошкент трактор заводи экспорт цехининг коллективи қардош социалистик мамлакатларнинг буюртмаларини сидқидиллик билан бажаряпти. Ҳозир бу цехда қардош Куба қишлоқ кооперативлари учун 45 «пўлат от» тайёрланяпти.

СУРАТДА: экспорт цехининг зарбдор пардозловчиларидан Авександра Захарова билан Галима Герасимова навбатдаги тракторни пардоздан чиқаришмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Жаҳон ойнаси

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАЙМИЗ

ЭРТАГА — ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ — ПОЛЬША ҚАЙТА ТИКЛАНГАН КУН

СССР территориясида тузилган Польша Қўшинлари бирлашмаларининг солдатлари 1944 йилда Қизил Армия билан бирга Польша чегарасини кесиб ўтар экан, «тоғлар ва дарёлар кетидан соҳилга чиқдик» деб қўшиқ айтган эдилар. Белоруссия ичкарисида бошланган қудратли ҳужум уларни Буг дарёсининг соҳилига олиб келганди.

Польша ерининг биринчи бўлиб озод қилинган ороличаси Хельмида 1944 йилнинг 22 июлида озод, адолатли Халқ ҳокимиятининг биринчи ҳужжати — Польша Миллий озодлик комитетининг манифести эълон қилинди. Иккинчи куни бу тарихий ҳужжат Люблин деворларида пайдо бўлди.

Янги ижтимоий кучлар ҳокимиятни ўз қўлига олди.

Польша шаҳарларининг кўчаларида оқ-қизил рангли байроқлар ҳилпиради, юзларда табассум пайдо бўлди.

Польшани фашист босқинчилардан озод қилиш учун олиб борилган жангларда юз минглаб совет жангчилари ўз жонини фидо қилди. Польша халқи бу жасоратни ҳеч қачон унутмайди, Совет Иттифоқи ва Польша фарзандларининг қони билан мустаҳкамланган дўстликка ҳамиша садоқатли бўлиб қолади.

Биринчи социалистик давлат билан бузилмас дўстликка таяниб ўша 1944 йилнинг 22 июлидаёқ эълон қилинган манифестдаги уч асосий вазифанинг биринчиси қилиб қўйилганди.

Миллий озодлик комитети халқ оммасини урушнинг ҳал қилувчи босқичида энг кўп даражада иштирок қилиш учун ҳамма кучни сафарбар этишга: Польшани муваффақиятли равишда қайтадан тиклаш ва тез ривожлантириш мақсадларида чуқур социал ислоҳотларни амалга оширишга чақирди.

Польша халқи ўзининг энг катта миллий байрами 22 июлни қайтадан тикланиш куни деб атади. Польша харобалар ва қуллар устида тикланди. Социализм бутун турмушимизнинг мазмуни бўлиб қолди. Халқ Польшаси социализм эришган ғалабаларга, Советлар Мамлакати ҳамда бошқа социалистик мамлакатлар билан қардошларча дўстлик ва ҳартомоналама ҳамкорликка таяниб экономика ва маданиятни ривожлантиришда катта муваффақиятларни қўлга киритди.

Жаҳонда майдони бўйича 61-ўринда, аҳолиси бўйича 20-ўринда турган Польша Халқ Республикаси саноат ишлаб чиқариши бўйича ўнинчи ўринга чиқиб олди, унинг жаҳон саноат ишлаб чиқаришида тутган ўрни ҳозир салкам 2,5 процентни ташкил этади.

Урушдан кейинги биринчи йилларда бизга капитализмдан мерос бўлиб қолган саводсизликка қарши кураш олиб боришга тўғри келди. Ҳозир биз умумий таълим бўсағасида турибмиз.

Халқ Польшаси МКнинг VII ва VIII Пленумлари ҳамда Польша Бирлашган ишчи партиясининг VI съезди қарорлари асосида социалистик ривожланишнинг янада юксакроқ фазасининг мураккаб проблемаларини ҳал қилишга киришди. Биз марксча-ленинча назарияни ижодий қўлланиб, тўғри йўлдан олдинга боряпмиз. Экономикамиз ривожланишининг динамикаси, халқимизнинг маънавий сиёсий бирлиги бунинг ёрқин далилидир.

Бугун биз босиб ўтилган 29 йилгагина эмас балки келажакка ҳам ишонч ва умид билан қараймиз.

КПСС МКнинг Бош секретари Л. И. Брежневнинг ГФР ва АҚШга қилган визити, шунингдек, Франция президенти билан учрашуви КПСС XXIV съезди томонидан ишлаб чиқилган, барча халқлар манфаатига жавоб берадиган Тинчлик программасини амалга оширишда қўшилган янги катта ҳисса бўлди.

Биз тинчликда яшаш сиёсатининг амалга оширилиши халқлар олдида қандай янги кенг имкониятлар очиб бераётганини яхши тушунамиз. Бундай шароитда бизнинг олдимизда янги мураккаб вазифалар кўндаланг бўлади. Биз уларнинг муваффақиятли бажарилиши учун ҳамма нарсани қилишга тайёрмиз.

Мачей ГОРОДЕЦКИЙ,
поляк журналисти.
Варшава.

(АПН).

БЕРЛИНДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

БЕРЛИН. Шу йил 2—9 сентябрь Лейпцигда Халқаро кузги ярмарка ташкил этилади. Жаҳондаги 50 дан ортиқ мамлакатнинг 6 мингга яқин саноат корхонаси ва ташқи савдо бирлашмалари ўз маҳсулотини шу ярмаркада намойиш қилади. Лейпциг ярмаркасининг бош директори Ф. Вознак матбуот конференциясида шу тўғрида маълумот берди.

Лейпцигдаги кузги ярмарка, деди Ф. Вознак, социалистик иқтисодий интеграция комплекс программаси қабул қилинганидан кейин ўтган икки йилдан кўпроқ вақт мобайнида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлигининг муваффақиятларини намойиш қилади.

(ТАСС).

МЕҲНАТ КОДЕКСИ

УЛАН-БАТОР. Буюк Халқ Хуралининг яқинда бўлиб ўтган сессияси Монголия Халқ Республикасининг янги меҳнат кодексини қабул қилди. Бу кодекс меҳнат аҳли тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилиш руҳи билан суғорилган. Бу қонун мамлакатда сиёсий ва социал-иқтисодий соҳада рўй берган жуда катта ўзгаришларни тўла акс эттиради.

Қонунининг асосий мазмуни ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат шароитини бутун чоралар билан яхшилаш, гражданларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳар томонлама муҳофаза этишни кўзда тутади.

ЖАҲОНДАГИ ЎН МАМЛАКАТГА

ВАРШАВА. Польшада ишлаб чиқарилаётган металл ишлаш станокларининг учдан бир қисмини экспорт қилинмоқда. Ўтган уч йил мобайнида Польшанинг чет мамлакатларнинг буюртмалари бўйича станоклар етказиб бериши 46 процент кўпайди. Ҳозирги вақтда Польшанинг «Металлэкспорт» бирлашмаси жаҳоннинг 10 мамлакатига ўз маҳсулотини экспорт қилмоқда.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатлар Польша станокларининг асосий буюртмачиларидир. Польша экспорт қилаётган станок ва ускуналарнинг 60 проценти шу мамлакатларга тўғри келади.

Польша Халқ Республикаси станокозслик саноати структурасида ҳозир катта ўзгаришлар содир бўлмоқда Познанда ўтказилган сўнгги халқаро ярмарка экспонатларига қараб бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Польша саноати ярмаркага ҳозирги замон металл ишлаш станоклари — рақам билан бошқариладиган автоматлар ва ярим автоматлар юборди.

Польша Халқ Республикасининг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатлари билан ва айниқса Совет Иттифоқи билан мустаҳкам алоқалари Польша станокозслик саноатининг бир маромда ривожланишига ёрдам бермоқда. Металл ишлаш станоклари ишлаб чиқариш соҳасида кооперация ва ихтисослаштириш тўғрисида Польша билан Совет Иттифоқи ўртасида сўнгги вақтларда тузилган битимлар бу соҳада катта роль ўйнади.

Сиз суратда Польша Халқ Республикасининг пойтахти Варшавани кўриб турибсиз. Бу шаҳар Улуғ Ватан уруши йилларида гитлерчилар томонидан батамом вайрон қилинган эди. Шаҳар қиёфасида Польша ерида халқ ҳокимияти йилларида бўлиб ўтган улкан ўзгаришлар яққол кўриниб турибди.

В. Егоров фотоси, ТАСС фотохроникаси.

◆ ҲАМШАҲАРЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

Янги ошхона

БУГУН

Максим Горький номли проспектдаги автостанция ёнида янги ошхона ўз эшикларини очди. Ошхонада бир йўла 40 та хўранда овқатланиши мумкин. Тажрибали ошпазлар бу ерда миллий овқатларни тайёрлашмоқда. Буфетдан хилма-хил кулинария маҳсулотларини сотиб олиш мумкин.

Киров район ошхоналар трестининг бу янги умумий овқатланиш муассасаси автобус ҳайдовчиларга, шунингдек, йўловчиларга яхши туҳфадир.

ҚАШҚАДАРЁНИНГ ЭРТАПИШАР ОҚ ОЛМАСИ

ҚАРШИ. Қашқадарё области боғларида эртапишар олма пишди. «Яккабоғ» боғдорчилик-виночилик совхозида оқ олмани узиш бошланди. Б. Қиличев ва С. Аблитаров бошлиқ бригадалар ҳар куни 20 тоннага қадар олма теріб, қабул пунктларига етказиб бермоқдалар.

Илғор совхоз меҳнаткашлари бу йил 1.000 тоннадан ортиқ олма, 700 тонна узум топширишни мўлжаллашмоқдалар. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ КЕЛГАН ХАТЛАРДАН

Ниҳоллар ноласи

Яқин орада шаҳримизнинг Фрунзе районидаги Абдулла Авлоний номи билан аталувчи маҳалла томон йўлингиз тушган бўлса, ўтган-кетган йўловчиларга бош эгиб, сувсизликдан барглари сарғайиб нажот кутаётган ниҳолларга кўзингиз тушгандир. Бу ташвишли ҳол маҳалланинг Абдулла Авлоний кўчасидагина эмас, балки «Черешневая», «Обувная» кўчаларида ҳам учраб, дилингизни хижил қилади.

Узоқда бормайлик. Ўтган икки йил мобайнида район коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш бошқармаси маҳалла ихтиёрига 15 мингдан зиёд мевали ҳамда манзарали ниҳоллар берди. Ниҳоллар кўча четларига, хонадонларга не-не умидлар билан ўтказилиб парвариш қилина бошланди. Аммо бундан бир йил муқаддам кимнингдир «ташаббуси» билан сув йўли бетон билан ғиппа бўғилди. Шу-шу, сувсизлик ҳукм сура бошлади маҳаллада.

Маҳалла комитетининг И. Юсупов, Т. Юнусов, Р. Ҳолмуҳаммедов, Т. Иноғомовлардан иборат вакиллари бир неча марта район ободонлаштириш бошқармаси ходимларига арз-дод қилишди.

Бу идорадан фақат қуруқ ваъдалар олиб қайтишган активлар нима қилишга ҳайрон. Район ижроия комитетидаги ўртоқларнинг йўли тушиб, қовжираб ўтинга айланаётган ниҳоллар ноласини, тош, кесак, лойқа билан тўлиб, таниб бўлмас ҳолга тушган ариқлар шиноятини эшитишса, ажаб эмас, деган умид билан хат йўлловчи:

Қ. МАЛИКОВ.

Бепарво қараляпти

Собир Раҳимов районидаги 2-Чимбой проезди собиқ боғ кўчаларидан ташкил топган эди. Бу ерда Студентлар шаҳарчаси қурилди. 2-Чимбой кўчаси машина йўли учун асфальт қилинди-ю, пиёдалар ғами ейилмади. Машина ҳаракати тобора кучайиб борди. Натижада сўнгги йилларда бу кўчада авариялар тез-тез рўй берадиган бўлиб қолди. Шундан сўнг, кексалар кўчанинг икки томонига пиёдалар учун йўл қуришни сўрашга қарор қилишди. Мен шу кексалардан бири сифатида кўча кезиб чиқдим. «Ҳаммом» бекатидан шимол томон юрилса, кўчани кесиб ўтган 2 та кўприк бор. Ҳар икки кўприк ёнида пиёдалар учун йўл йўқ. Машиналар ҳам пиёдалар ҳам шу тор йўлдан ўтадилар. Биз бу ҳақда тегишли ташкилотларга бир неча бор мурожаат этдик. Аммо ҳеч бир ўзгариш бўлмади. Машиналар ҳаракати ўсиб, соатига 30 километр эмас, 60—90 километрлаб юрадиган бўлишди. 1970 йилда ГАИга мурожаат қилдик. ГАИдагилар маршрутни бироз тузатишди. Аммо узоқ ўтмади. 1971 йилда шу кўприк ёнида ёш болани машина босиб нобуд қилди. Кўчанинг ана шундай ноқулай, хавфли жойларини тузатишни сўраб 1971 йил 25 июнда 125-номерли ариза билан Собир Раҳимов район Советига арз қилдик. 1973 йил ўтиб бораяптики, ҳеч чора кўрилмаяпти.

Яқинда шу жойда 4 ёшли бир болани машина уриб юборди. Болани оғир аҳволда касалхонага жўнатишга тўғри келди. Шунчалик хавфли бўлишига қарамай, ҳамон кўча четига тротуар қилишга бепарво қараляпти. Ахир, бу масъулиятсизлик-ку!

М. ОРИПОВ, пенсионер.

● Капитал мамлакатларида

НАРХ-НАВО ТИНМАЙ ОШИБ БОРМОҚДА

Ғарбий Европа мамлакатларининг 1972 йилда пул қадр-қиймати тушиб кетишини тўхтатиш йўлидаги ҳамма уринишлари бирон натижа бермади. Бу мамлакатларда истеъмол молларининг нархи ўрта ҳисобда 6,9 процент ошди. Айниқса озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи тез кўтарилмоқда. Бу йил ҳам деярли бирон ўзгариш бўлган эмас. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги Европа иқтисодий комиссияси секретариати томонидан яқиндагина нашр этилган «Европада 1972 йилги иқтисодий аҳвол обзори» шуни кўрсатиб турибди. Обзор авторларининг бу йилги кутилган аҳвол тўғрисида айтган гаплари тамомила тўғри чиқяпти. Капиталистик мамлакатларда нарх-навонинг тобора ошаётганлиги тўғрисида олинаётган жуда кўп хабарлар шундан далолат бермоқда.

«Гардиан» газетаси ҳукумат томонидан тузилган «нарх-наво комиссияси»нинг Англияда яна бир қанча озиқ-овқат моллларининг нархи ўсганлиги тўғрисидаги хабарини шарҳлаб, «инглизлар нарх-наво яна рекорд даражада ошганлиги тўғрисида ҳар куни янги хабар олиптилар» деб хасрат билан таъкидлайди. Бир қанча озиқ-овқат моллари нархи 10 — 14 процент ошди.

Италияда кун кечириш тобора қийинлашмоқда, расмий статистика маълумотларига қараганда, мамлакатнинг жанубий районларида кун кечириш айниқса оғирлашмоқда. 1972 йили Сицилиянинг деярли барча районларида ўртача умуммиллий нарх-наво даражаси 7,9 процент ошди.

Ўтган йил май ойидан бошлаб шу йил май ойигача Испанияда кун кечириш 10,8 процент қимматлашди, «Информасьон комерциаль Эспаньола» бюллетени маълумотларига қараганда, Испания ҳозир тирикчилик қиммати энг баланд мамлакатлардан бири.

Грецияда 1971 йил январь ойидан 1973 йил апрель ойигача ўтган давр мобайнида озиқ-овқат ва кенг истеъмол молларининг нархи ўрта ҳисобда 25 процент ошди. Шу вақт ичида гўштнинг нархи 38 процент, Цитрус мевалар нархи 43 процент, помидорнинг нархи қариб икки ярим баравар ошди. Пойафзал 40 процент қимматлашди. Шаҳар транспортида қатнаш, кино ва театрларнинг билет нархи 25 процент ортди.

Уругвайда шу йилнинг биринчи ярмида нарх-наво 36,3 процент ошди, деб хабар беради мамлакат статистика ва ценэлар бош бошқармаси. Бу ерда озиқ-овқат ва кийим-кечак нархи, квартира ҳақи, шунингдек коммунал хизматлар ҳақи ича ошди.

(ТАСС).

ШАНБА ОҚШОМИ

Ўз — ўз ўғлиниг доно бўлиғ...

Инсонга нима оғир?

Қадимги Эрон шоҳларидан Нуширвон мажлисида Рум, Ҳиндистон ва Эронлик уч файласуф ҳозир бўлиб, фалсафа, ҳикматга оид масалалар ҳақида баҳс этишарди. «Инсон учун энг оғир нарса нима?» деган саволга уч донишманд уч хил жавоб берди. Румлик донишманд: «Қариб, ёрдамсиз қолиш, тангдастлик»— деди. Ҳиндистонлик ҳаким: «Касаллик ва жуда қайғу-аламли турмуш»— деб жавоб берди. Эрон донишманди Бузурҗмеҳр эса: «Дунёда яхши ва ҳаммага мақбул, марғуб иш қилмай туриб етган ажал»— деди.

Бузурҗмеҳр фикри мажлис аҳлига маъқул бўлиб тушди.

Нафс ҳақида

Донишмандлардан Абул-Аббос айтади: «Қорним очгандан кейингина овқатланаман, бемаҳал овқатланишдан ўзимни сақлайман, шунинг учун табибга муҳтож эмасман».

Бевафо дўст

Бир фозил одам шундай ҳикоя қилади:

— Бир кун Хоразмга сафар қилдим. Бир киши мен билан ҳамроҳ эди, уни едириб-ичириб юрдим. У ўзининг менга муҳаббатини, самимий дўстлигини тинмай сўзларди. Биз билан бир ит ҳамроҳ эди. Мен шу итга нон, суяк ташлаб, тўйдириб турардим.

Йўлда икки ўғри бизга ҳужум қилди. Ҳалиги ҳамроҳим ўғриларни узоқдан кўрган замонда мени ташлаб, ўзини четга олди. Ит эса бир ўғрини оёғидан тишлаб олиб йиқитди, талади ўғри ўр-базўр қочиб қутилди. Иккинчи ўғрини мен маглуб қилдим, у ҳам қочиб кетишга мажбур бўлди. Шундай қилиб, итнинг ёрдами билан ўғрилардан қутилдим.

Ҳамроҳим ўғриларнинг қочганини кўриб, ёнимга қайтди, ғиё-корлик билан ҳолимни сўради. Мен унга шу жавобни бердим.

Бор, йўқол, келма ёнимга, бўл кўзимдан нариоқ,
Сен кабн «дўст»дан вафоли ушбу итдир яхшироқ.

Шундай деб, уни ташлаб, ит билан бирга Хоразмга қараб йўл олдим.

Уч насиҳат

Ҳар киши халқ орасида обрўли бўлиб, роҳатда яшашни тиласа, уч ишдан ўзини сақласин: 1. Ҳожатини нокас, бахил кишидан сўрамасин. 2. Тилини ёмон, бузуқ сўзлар айтишдан тийсин. 3. Чақирилмаган жойга меҳмон бўлиб бормасин.

Истамас эрса киши, сен унга меҳмон бўлмагил,
Гавҳари қиймат баҳосан, санги дандон бўлмагил.

Бахиллик натижаси

Ҳикоят қиладилар: бир одам ўз хотини билан бирга қовурилган товуқ гўшти еб ўтирган эди. Шу чоғда бир гадой келиб, эшикни тақиллатди. Ҳалиги одам эшикни очгач, гадой ўз эҳтиёжини арз қилиб, ундан ёрдам сўради. Уй эгаси ҳеч нарса бермай, у бечорани қувлаб юборди.

Бир неча вақт ўтгандан кейин бу одамнинг омади кетиб, ҳеч нарсаси қолмай, муҳтожликка тушди, ниҳоят, хотинига ҳам жавоб берди. Хотин ундан ажраб, бошқа эрга тегди. Ў бир кун янги эри билан нон ва қовурилган товуқ гўшти еб ўтирган эди, бир гадой келиб, садақа сўради. Янги эр дарҳол нон устига товуқ гўшти қўйиб, хотинига шу овқатни гадойга чиқариб беришни буюрди. Хотин овқатни гадойга берди-ю, йиғлаб эри ёнига қайтди. Эри йиғининг сабабини сўради. Хотин бу гадой ўзининг биринчи эри эканини айтди. Иккинчи эр: «Биринчи эринг бидан овқатланиб ўтирганингда тиланиб боргал гадой мен эдим. Эринга бахиллиги сабабли замон шундай мукофот берган», — деди.

Эҳтиёжин арз этиб келса киши,
Биткара кўр қандайин бўлса иши.

Ш. Зуннун тайёрлаган.

● *Дастурхон зийнати*

Чиройли идишлар

Ёз тўкин-сочин келди, дастурхонимиз турли ноз-неъматлар билан безалди. Унинг кўркига шаҳримиздаги рўзғор-хўжалик буюмлари заводи ишчилари ҳам кўрк қўшишаяпти. Бадиий керамикачилар ўзбек миллий кулолчилигининг нодир намуналарини ишлаб чиқаришмоқда.

Завод шу кунларда чойнак, пиёла, коса, лаган ва бошқа рўзғор буюмларини сержило қилиб тайёрламоқда. Ҳар бир буюмдаги гул, турли хил ранг кишига завқ беради.

Бу ерда тайёрланган маҳсулотларнинг намуналари яқинда Познань (Польша) ва Дамашқ (Сурия) шаҳарларидаги халқаро кўргазмаларга юборилди.

Заводда миллий керамика буюмлари ишлаб чиқариш бундан кейин яна ҳам кенг йўлга қўйилади.

СУРАТДА: миллий керамика идишларидан баъзи намуналар.

М. Нуриддинов фотолари.

ВАТАНИМ

Найкамалак мисол кўк ёйи бўлиб,
Қучоқ ёзиб сени қучгим келади.
Баланд осмонингда ҳавойи бўлиб,
Турнадек тизилиб учгим келади.
Кундузи қуёшу, тунда ой мисол,
Жамолингга боқсам лаҳзада уйғоқ,
Тупроқларинг ялаб ўтсам сой мисол,
Шунда ҳам меҳрингга мумкинмн тўймоқ?!
Мақсадим: оддий бир фарзандинг бўлиб,
Бағрингда бир умр яшамоқ асли.
Ҳатто ўлганда ҳам гиёҳдай кулиб—
Такрор униб чиққум ҳар баҳор фасли!

Жўрабой ҚУРАШЕВ.

● *Халққа — моллар*

Конвейерда минерал сув

Ўзбекистоннинг ичимлик минерал сувлари қаторига «Бухоро сувн» ҳам қўшилди. Уни шишаларга қуйиш учун Бухоро пиво заводида махсус автомат линия монтаж қилинди. Бу установка соатига 6 мингта шишани тўлдириб беради.

Ўз состави ва хусусияти жиҳатидан «Тошкент сувн»га ўхшайдиган янги минерал сув булоғи область марказидан юз километр нарида топилди. Сув ердан заводга автоцистерналарда келтирилади. Шу йил корхона дастлабки икки миллион шиша «Бухоро минерал сувн» тайёрлаб чиқаради.

Ҳозир республика заводлари тўрт хил минерал сув— «Тошкент сувн», «Фарғона сувн», «Самарқанд сувн» ва «Чортоқ сувн» чиқармоқда. Минерал сув қуядиган бешта янги цех қурилмоқда. Шулардан тўрттаси Тошкент, Самарқанд, Наманган ва Фарғона областидаги цехлар бевосита сув булоғи районида жойлашган.

Шу йил янги алкоголсиз ичимликлар комбинатининг минерал сув цехи дастлабки маҳсулот беради. Корхона лойиҳадаги қувватга эришгач, ҳар йили 40 миллион шишагача Тошкент минерал сувн чиқарди.

Янги техника билан ускуналанган қўшимча цехлар ишга туширилиши республика заводларининг беш йиллик охирига борив 129 миллион шиша минерал сув чиқариб туришига имкон беради.

В. ШЕВЦОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Техника янгиликлари

Газеталар тезроқ чиқсин деб

Одессадаги «Полиграфмаш» заводида автомат равишда ишлайдиган фотомашина ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Улар Москвадан фототелеграф орқали мамлакатимизнинг катта-катта шаҳарларига юборилувчи марказий газеталарнинг саҳифалари тасвирланган фотопленкаларни дорига солиб ишлаш учун мўлжалланган.

Одессалик мутахассислар чет эл намуналарига нисбатан бир қанча афзалликларга эга бўлган машина яратишди. У қарийб 1,5 баравар серунум, қулай ва пухтадир.

Корхонада полиграфия саноати учун ҳар йили 3—4 хил янги машина ўзлаштирилмоқда.

(ТАСС).

САЙЁҲ САРГУЗАШТАЛАРИ

Гўзал тоғлар бағрида

Эрта баҳордан то кеч кузгача ўлкамизнинг хушманзара жойларида кўнгилли ҳордиқ чиқаришга нима етсин! Шаҳримизга энг яқин Бўстонлиқ районн баҳаволиги, табиатининг ранг-баранглиги билан кўп кишиларни ўзига мафтун этган. Бу тоғ ўлкасида шўх дарёлар ва жилғалар, зимзиё даралар, қўркам меваворлар, пичанзор ва ўтлоқлар, гулзор ва қорли чўққилар гўзал манзара кашф этган.

Бўстонлиқда бўлган киши Коржантов, Угом, Писком, Майдонтол, Чотқол ва бошқа пурвиқор тоғларнинг мафтуни бўлади. Писком тизмасининг энг баланд Оқ туя чўққиси 4224 метр бўлиб, у узоқдардан биллур каби яркиллаб кўринади. Ана шу баланд тоғлар бағрида Юсуфхона, Бурчмулла, Чимён, Обираҳмат, Кўксув, Оқтош, Еттибулоқ, Нанай, Ғазалкент каби сўлим оромгоҳлар борки, бу жойларда дам олган киши бутун чарчогини ёзади, табиати хушнуд бўлади.

Тоғлар этагига яқинлашгач, Чотқол, Писком, Кўксув ва Угом каби шўх тоғ дарёлари бир-бирига қўшилади. Мана шу ерда Чорвоқ денгизи кўм-кўк бўлиб кўзга ташланади. Инсон қўли билан бунёд бўлган бу денгиз Бўстонлиқнинг ҳуснига узукка тушган чиройли кўздек фусункорлик бағишлаган. Катер ва қайиқларда бу денгиз бўйлаб сайру-саёҳат қилиш мумкин.

Бўстонлиқ бағрига, тоғлар қучоғига марҳабо! Бу сўлим масканнинг ҳамма қишлоқларига ва санаторийларига ҳар куни Салор автостанциясидан автобуслар мунтазам қатнаб турадн.

Т. РАВШАНОВ.

● *Ибратли тадбир*

Камалак жилолари

Бу гоят катта чиройли полотно Самарқанд химикларининг ишчи посёлкасидаги болалар кўчасини бошдан-оёқ эгаллади. Полотнонинг авторлари саксон нафар ўғил ва қиз боладир. Маданият саройи уларни одатдан ташқари конкурс —асфальт кўчада энг яхши расм солиш конкурсида иштирок этишга таклиф қилди. Расмлар мавзуси болаларнинг атрофидаги олам бўлди.

Еш рассомлар рангли бўр олиб, ишни бошлаб юборди-лар. Болалар ота-оналари меҳнат қиладиган заводни, посёлка манзараси ёнига қўйилган минорали кранлар, пионер лагерлари, машҳур архитектура ёдгорликларининг расмларини чизишди.

Жюри йигирмата расмни энг яхши сурат деб топди. Сережа Савинов, Света Эргашева, Нуриддин Қурбонов ва бошқалар конкурсда ғолиб чиқишди. Асфальт кўчада расм чизганларнинг ҳаммаси бир қутидан бўёқ ёки рангли қалам олишди.

Болаларнинг янги байрами шундай туғилди. Байрамни «Камалак куни» деб аташди. Бу байрамни ҳар йили ўтказиб туришга қарор қилинди.

(ЎзТАГ).

„ТОВУҚХЎРЛАР"

Газетамизнинг шу сонидан бошлаб жаҳон пазандалигидан қизиқарли лавҳалар берив борамиз. Қўйида ана шу лавҳалардан бирини ўқийсиз.

Ҳа, брюсселликларнинг лақаби шунақа, бу лақаб 600 йилдан буён унутилмайди. Ган шундаки, XIV асрда Бельгия графи Люксембург ўз аскарларининг аксариятини Брюссель шаҳридан ёллаган бўлиб, душманга қарши жанг авжи қизиганида ўқ-дори тугаб қолади.

— Ҳалок бўлганларнинг халталари очилиб, ўқ қидирилсин! — деган буйруқ берилади. Брюсселликлар қайси халтани очишмасин, битта ҳам ўқ тополмайдилар, лекин ҳар бир халтадан қовурилган товуқ гўшти чиқади. Очликдан тинкаси қуриган аскарлар милтиқларини улоқтириб, мазза қилиб товуқ гўшти еяётганларида душман бостириб келади. Брюсселликларнинг «товуқхўрлар» деган лақаби ана шундан буён унутилмайди. Мана, ўша «тарихий» товуқ гўштини тайёрлаш усули.

Сўйиб тозаланган товуқни бутунлигича тузли сувга қайнатилади, яшай деганда саримсоқ, лавр япроғи, мурч доналари, ораларига қалампирмўнчоқ тиқилган бош пиёз қўшиб димланади. Пишгач, олиб совутилади-да доғланган ёққа ташлаб, қизартириб олинади.

Ҳозир ҳам баъзи брюсселликлар узоқ сафарга жўнаш олдидан ана шундай товуқ гўшти пишириб олиб кетишаркан.

«Олма-гарқ пишди»

КЕКСА ЧИНОРЛАР

Табиат баъзи дарахтларга жуда узоқ умр берган. Шундай дарахтлар борки, улар оҳти-етти аср умр кўради. Республикамизнинг Наманган областидаги Косон қишлоғида 500 йилдан ортиқ умр кўрган бобо чинор бор. Унинг атрофида бир йўла 40 киши тик туриши мумкин. Дарахтнинг узунлиги 16 метр.

Қишлоқ аҳолиси чинор тагида дам олишга тез-тез келиб туришади.

* * *

Туркманистонимнг Ашхобод шаҳри яқинида Фируза қишлоғи жойлашган. Бу қишлоқда 300 йиллик чинор мағрур қад кўтариб турибди. Унинг узунлиги 32 ярим метр келадн.

◆ *Кунлардан бир кун*

ХИРУРГНИНГ ВОРИСИ

Машҳур хирург Николай Иванович Пироговнинг Парижга борганида Медицина академиясига киришга жазм қилди. Бу ерда уни ҳеч ким танимас, олим эса профессор Нелатоннинг рус хирурги Пироговнинг томонидан биринчи марта қилинган мураккаб янги операцияси тўғрисидаги лекциясини қизиқарлик билан тингладн.

Лекциясини тугатгач, профессор Нелатон бу ерда ўтирганлардан бирор кишининг мурдани операция қилишга чиқишга таклиф этди. Пироговнинг ўзи бўлиб чиқди ва операцияни ажойиб маҳорат билан қайтарди.

Нелатон Петергургга телеграмма юборишларини, унда рус хирургининг Парижда муносиб ворисн топилганлигини хабар қилишларини таклиф этиб, операция қилган одамга қараб «Ҳамкасбим, Пироговга сизнинг ҳақингизда қандай қилиб хабар берсак бўлади? Фамилиянгиз нима?» деб сўради.

— Пироговнинг,— деб жавоб қайтарди машҳур рус хирурги.

* * *

ЭНГ ЯХШИ ҲОРДИҚ

Кунлардан бир куни Эдисоннинг рафиқаси эрининг бирор ёққа борив ҳордиқ чиқаришини айтди.

— Қаерга? — деб сўради у.

— Қайси жой кўнглингга хуш келса, ўшани танла, — дебди хотини.

— Мен жойни танладим. Эртагаёқ ўша ёққа жўнайман, — жавоб қайтарди Эдисон.

Эрта тонгда хотини Эдисонни унинг лабораториясидан топди.

СУВДАГИ БОЙЛИКЛАР

▲ Дунё океанидаги сувларда олтин запаси 10 миллион тонна атрофида бўлиб, ер куррасидаги ҳар бир кишига тахминан 2,7 килограммдан тўғри келади.

▲ Океандаги сувларда 4 миллиард тоннадан ортиқ уран бор. Экономистларнинг ҳисоб-китобига кўра, яқин йиллар ичида ҳар йили икки-уч миллион тонна уран ишлатилиши керак. Шунда уранни сувдан ажратиб олиш керак бўлади.

▲ Тажрибалар, уран аралашма ҳолатда бир йилда 1000 тонна ажратиб олиш мумкинлигини кўрсатади.

● *Қулайликлар адреси:*

Рубобингиз бузилса...

Рубоб, доира, танбур, тор сингари миллий музика асбобингиз бузилиб қолса, уларни «Сервис» фирмасининг устахоналарида сифатли ва тез ремонт қилдириб олишингиз мумкин. Бу устахоналардан энг йириклари— Хадра майдонида ва Октябрь колхоз-бозорида жойлашган.

Саёҳатга борай десангиз...

Ҳозирги кунда шаҳар ташқарисига чиқиб дам олиб келувчилар жуда кўп. Сафар вақтида керак бўладиган ҳамма асбоб-анжомларни сотиб олиб улгуриб бўлмайди, албатта. Бундай пайтларда «Сервис» фирмасининг прокат пунктлари сизга ёрдамга келади. Ҳожатмандлар бу пунктлардан сафар вақтида керак бўладиган барча анжомларни олишлари мумкин. Прокат пунктларининг энг йириклари Навоий кўчасидаги 30-«А» уйда, «Бахт уйи» ёнида, Студентлар шаҳарчасида жойлашган.

Омадсиз саёҳатчилар

РИМ. Совет «Константиновна» кемасининг денгизчилари Адриатика денгизида швейцарияли 22 яшар ишчи билан Ғарбий германиялик 7 яшар болани қутқаришди. Улар Венеция яқинида резина қайиққа тушиб, денгизда сузмоқчи бўлишган, аммо тўсатдан кўтарилган шамол уларни очиқ денгизга суриб кетган.

Омади юришмаган саёҳатчилар шу заиф қайиқда соҳилдан узоқда бутун тунни ўтказишди. Эрталабга яқин совет денгизчилари уларни пайқаб қолиб, қутқаришган.

БИЛАСИЗМИ?

Мамлакатимизда 16 олий ўқув юртн ва 62 ўрта махсус билим юртн рассомлар тайёрлаб чиқаради. 1971 йилнинг ўзидагина бу илм даргоҳларини 5 мингдан ортиқ мутахассис битириб чиқдн.

* * *

Биринчи совет балети 1918 йилда Б. В. Асафьев томонидан ёзилган эди. Инқилобий мавзудаги бу балет «Карманьола» деб аталар ва ишчи клубларида ижро этишга мўлжалланганди. Биринчи март «Карманьола» Петроградда ишчи клубларидан бирида Октябрнинг бир йиллиги кунида намойиш этилди. Фортепьяно партиясини авторнинг ўзи ижро этди. Биринчи совет балети ишчилар томонидан қизғин кутиб олинди.

* * *

Гамма босқичларини бўғинлар билан аташ жуда қадим замонларда Ҳиндистонда бошланган. Бизнинг до, ре, ми, фа, соль, ля, си атамаларимизга ҳиндларнинг ма, га, ри, са, ни, дха, патамалари тўғри келади.

«Сой бўйи-сўлим...»

Ф. Абдурасулов фотоэтюди.

Почта маркаларининг нодир коллекцияси

Фарғоналик филателист 11-мактабнинг физкультура ўқитувчиси Евгений Федорович Булатов чорак аср мобайнида жаҳондаги етмиш мамлакатнинг тўққиз мингта почта маркасидан иборат коллекция тўпладн. Коллекциянинг анчагина қисмини Совет Иттифоқида чиқарилган маркалар ташкил этади. Филателист Франция, АҚШ, Италия, Англия, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида чиқарилган кўплаб маркаларга ҳам эга.

Маркалар коллекциясини тўплашда Евгений Федоровичнинг рафиқаси — Нина Павловна, ўғиллари Костя ва Андрей қатнашмоқдалар. Оилавий филателистлар квартети ишлайдиган ва ўқийдиган мактаб ўқитувчилари улар тўплаган почта белгиларидан синфдан ташқари ўқиш вақтида кўргазмали қурол сифатида тез-тез фойдаланиб турадилар.

(ЎзТАГ).

Улкан рекордлар

◆ Киши тўхтовсиз босиб ўтган энг узун масофа 368 километру, 600 метрдир. Англиялик Жон Синклер бу масофани 68 соату 30 минутда босиб ўтган.

◆ Жаҳоннинг энг чаққон сартароши англиялик Жерри Харлейдир. У бир соатда 135 кишининг соч-соқолини тараш-лаб қўяган.

◆ Америкалик аёл Хоуленд —Грин жаҳонда энг хасис бўлган. Банкдаги шахсий жорий ҳисобида 90 миллион доллари бўла турив, сут сотувчи билан бир бутилка сут учун бўлган жанжалдан сўнг юраги ёрилиб ўлган. У бу воқеадан олдинроқ ўғлидан ҳам жудо бўлган эди. Бунга, ўғли бетоб бўлиб қолганида, уни бепул операция қиладиган шифохона қидириб, вақтни ўтказиб юборганн сабаб бўлганди.

● *Бу — қизиқ*

◆ 1958 йилда вафот этган американлик Роберт Эрл Хъюжес энг оғир вазнли киши ҳисобланган. Унинг бўйи 180 сантиметр бўлиб, вазни 505 килограмм эди.

◆ Ҳинд Масури Дин жаҳонда энг узун мўйлови билан фахрланса бўлади. Мўйловнинг узунлиги 265 сантиметрдир.

А. РАСУЛОВ тўплаган.

Тошкент бўйлаб саёҳат

Биз кўпгина ўқувчиларнинг илтимосларини инобатга олиб, «Тошкент бўйлаб саёҳат» деган рубрикани очдик. Бу рубрика остида бериладиган материаллар шаҳримизнинг тарихи, унинг диққатга сазовор жойлари, ҳамшаҳарларимизга ячалик таниш бўлмаган жойлар ҳақидаги маълумотларни қамраб олади.

Шаҳар билан таништириш асл тошкентликларга, шунингдек, меҳмонларга қулай бўлишини кўзлаб, биз ҳикоямизни трамвай вагонлари, троллейбус ва автобусларнинг салонларидан олиб борамиз.

Вокзалдан Кўкчагача

Шундай қилиб, бугун биринчи сафаримизни темир йўл вокзалидан бошлаймиз. Бу ердан биринчи трамвайга ўтириб, ана шу маршрут бўйлаб саёҳат қиламиз.

Биз. Багра кенг вокзал олди майдонини кесиб ўтамиз. Бу вокзал 1901 йилда барпо қилина бошлаган бўлиб, ўша пайтда вокзалнинг биринчи биноси қурилган. Орадан беш йил ўтгач, унинг ўрнида архитектор Г. М. Своричевский лойиҳаси асосида аввалгисидан кўркамроқ, асосий корпус қад кўтарди. Вокзалнинг ҳозирги биноси эса 1960 йилда Л. Н. Травянко бошчилигидаги архитекторлар группасининг чизмалари асосида қурилган.

Шаҳарни реконструкция қилиш бош планига асосан бу район йил сайин кенгайиб бормоқда. Вокзал перрони олдида узунлиги 120 метр бўлган икки қаватли бино қад кўтармоқда. Унда кассалар зали, узоқ манзилларга боради-ган йўловчилар заллари, буфетлар ва ресторан жойлашади. Бунинг ёнида етти қаватли меҳмонхона, шаҳар атрофи вокзали, почтамт бинолари қад кўтармоқда. Вокзал майдонида Тошкент темир йўл бўлинмаси бошқармасининг маъмурий биноси ҳам қурилмоқда.

Вокзал майдонидан йўлга чиқишимиз билан чап томонда кичиккроқ хиёбон кўзга ташланади. Унда улуғвор гранитли монумент салобат билан турибди. Бу ёдгорлик 1919 йилда Тошкентда оқ гвардиячилар исёнига қарши курашда ҳалок бўлган Туркистоннинг 14 комиссари хотирасига бағишлаб ўрнатилган.

Трамвай Пролетар кўчасига бурилиб, Салор кўпригидан ўтгандан кейин, «Вокзал олди» бекатида тўхтайди. Археологлар бу ердаги канал қирғоғида ястаниб ётган катта тепалик остидан ҳозирги Тошкентнинг тўнгич жойи — қадимий Мингўрик қишлоғи хароба-ларини топдилар. Ана шу ерда темирйўлчилар маданият саройи, ундан кейин эса — Полторацкий ва Пролетар кўчалари кесишган жойда «Подъёмник» заводи жойлашган. Бу корхонанинг маҳсулотлари мамлакатимизнинг барча қардош республикаларига жўнатилмоқда. Кўприкли кўтарма кранлар жаҳондаги 20 мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Ана шу ерда шаҳар атрофига қатнайдиган автобуслар станцияси ҳам жойлашган. Бу ердан Ангрен, Олмалиқ ва Оққўрғонга бориш мумкин.

Трамвай «Тошсовет» номли шифохона олдидан ўтиб, Пролетар ва Лоҳутий кўчаларн кесишган жойга келди. Бу ерда Ўрта Осиё темир йўл бошқармасининг маъмурий идоралари комплекси жойлашган. Уларнинг биринчиси 1912 йилда Туркистон Суд палатаси ва Округ суди учун қурилганди.

Ана шу кўчанинг қарши томонида архитектор А. К. Никифоров лойиҳаси бўйича давлат санъат музейи биноси қурилиши тугалланмоқда. 1966 йилдаги зилзилага қадар бу ерда мавжуд бўлган музейнинг эски биноси Тошкентнинг революциягача бўлган даврдаги маданий ҳаётида катта роль ўйнаган. Меҳнат биржаси учун қурилган бино тез орада Ўрта Осиёдаги биринчи театрга айлантирилади.

1890 йилда театрда шоир Фурқат томоша кўрган, орадан 20 йил ўтгандан кейин улуғ рус актрисаси В. Ф. Комиссаржевская ўз санъатини намойиш қилган. 1921 йилда ана шу бинода ишчиларнинг фарзандлари учун биринчи марта янги йил арчасининг чироқлари ёқилган.

Кейинги бекатимиз Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги биноси олдида — «Пролетар» ва «1 Май» кўчалари кесишган жойдадир.

Революцияга қадар бу майдоннинг ўртаси парранда бозори бўлиб, унда ҳар хил қушлар савдоси бўлган. Шундан кейин, 1934 йилда бозор ўрнида ойнавандли ошхона-фабрика қурилиб ишга туширилган. Бу бино ҳозиргача сақланмоқда. Унда Тошкентдаги энг йирик корхоналардан бири — В. И. Ленин номли электрон-техника заводининг бир қатор ишлаб чиқариш участкалари жойлашган.

Чорраҳанинг жанубий-шарқий томонида Ўзбекистон ССР Олий суди ва Қурилиш министрлиги ўрин эгаллаган. Уларнинг ёнида Тошкент трамвай депосининг қадимги биноси турибди. Унинг тарихи Туркистонда биринчи трамвай изининг ётқизилиши билан боғланган.

Ана шу маъмурий бинолар рўбарўсида Республика Савдо министрлиги ва «Узгипроторг» лойиҳа институтининг ойна ва бетондан қурилган биноси кўзга ташланади.

Шундан кейин, трамвай Марказий универсал магазини олдига келиб тўхтайди. Ўнг томонда — театр майдони. Революцияга қадар бу ерда Воскресенск деб аталган бозор жойлашган эди. Шаҳардаги 46 та қаҳвахоналардан 26 таси ана шу ерда бўлиб, у ерда ичкиликбозлик, ўғрилик ва антисанитария ҳоллари авж олган эди.

Бугуни кунда Тошкентнинг ана шу бурчаги чиройли майдонга айланиб кетган. 1947 йилда бу ерда академик А. В. Шчусев лойиҳаси бўйича қурилган Алишер Навоий номли театрнинг гўзал биноси салобат билан турибди. Театрнинг томоша зали 1440 ўриндан иборат.

Майдондаги «Тошкент» меҳмонхонаси олдидан ўтиб Анҳор қирғоғи томон йўл оламиз. Анҳорга етмасимиздан чап томонда маъмурий бино кўзга ташланади. Ўнг томонда эса Гагарин номли оромгоҳ ўзининг чиройини кўз-кўз этади. Ўтмишда бу жой Туркистон генерал-губернатори уйига қарашли боғ бўлган.

Анҳорнинг нариги қирғоғида эса «Пахтакор» Марказий стадионининг улкан «коса»сини кўрамиз. Унинг марказий майдони 1956 йилда ишга туширилган эди. Стадионга 50 мингдан ортиқ томошабин сиғади.

Анҳор кўпригидан ўтишимиз билан эски Тошкентнинг «остоналарига» қадам қўямиз. «Олмазор», «Чақар» деб номланган бекатлар эски шаҳарга кириб боргилигимиздан дарак беради. Меъморлар ва қурувчилар район қиёфасини таниб бўлмайдиган даражада ўзгартириб юбордилар.

Бизнинг кейинги бекатимиз Иўлдош Охунбобоев номи билан аталадиган майдондир. Бунда Ўзбекистоннинг биринчи президенти хотирасига бағишлаб бронзадан ҳайкал ўрнатилган. Бу ердан турли томонга эгри-бугри тор кўчалар илдиз отиб кетган. Чиндан ҳам, бу кўчалар эски шаҳар ҳунармандлар маскани бўлганлигидан ҳикоя қилади.

Ҳозир майдон ёнгинасида шаҳарда энг йирик бўлган универсал магазин биноси харидорларнинг хизматида.

Бекатда трамвайдан тушишингиз билан қадимий архитектурани нинг ноёб намуналаридан бири — Кўкалдош мадрасаси ва Хўжа Аҳрор масжиди кўзга ташланади. Мадраса XVI асрда бунёд қилинган.

Трамвай ўз маршрутини давом эттириб, Уйғур кўчасидан Кўкча бекатига етиб боради. Ўтмишда Тошкент бир неча даҳаларга бўлинган бўлиб, улар Кўкча, Себзор, Бешёғоч, Шайхонтовур деб аталган. Ҳозирги Уйғур кўчасида миллий услубда қурилган уйлар сақланиб қолган. Кўкча бекатида XIV асрга таллуқли Зайниддин бобо мавзолейи қизиқарли ёдгорликлардан биридир. Мавзолей комплекси икки қисмдан иборат бўлиб, бирида қабр, иккинчисида қирқ кун чилла ўтирадиган хона бўлган.

Кўкчага борадиган кўчанинг номи ўзбек совет театри санъатини яратувчилардан бири Маннон Уйғурнинг номи билан аталади. Илгари Вилоят кўчаси деб юритиларди.

Шундай қилиб, саёҳатимиз ниҳоясига етди. Бугун биз сиз билан 1-трамвай маршрути бўйлаб саёҳат қилдик. Унинг узунлиги 10 километру 800 метрдир. Ў бошидан бу бошига бориш учун 40 минут вақт кетади, ҳар 9 минутда бекатга вагонлар келиб турибди.

Н. ВИКТОРОВ,
Э. МУҲАМЕДОВА.

БУГУНГИ ТОШКЕНТ

СУРАТДА: пойтахтимизнинг Ленин проспекти яқинида совет давлатининг асосчиларидан бири — инқилоб чавандози Ф. Э. Дзержинский хотирасига ўрнатилган ёдгорлик обидаси.

М. Нуриддинов фотоси.

Редактор С. М. ҚАРОМАТОВ.

АРХЕОЛОГИК ТОПИЛМАЛАР

Тошкент археология отряди Хонобод — Ўрта аср Нужикет шаҳарчаси ўрнидаги баҳорги дала ишларини тугаллади. Археологик қазилмалар натижасида шаҳар қалъасининг қурилиш шакли деярли тўлалигича аниқланди. Маълум бўлишича, қалъа тўғри бурчакли қилиб қурилган, ўртасида марказий ҳовлиси бўлган экан. Атрофи эса 6 метрдан ҳам қалинроқ девор билан ўралган. Қалъа асосан гарнизон учун мўлжалланган ва Ўрта Осиёда ўша даврда қурилган бошқа қалъалардан фарқли ўлароқ, унда ҳеч қандай маъмурий бинолар бўлмаган. Хоналарнинг кенглигига қараб, доимий гарнизонда 200 тача одам бўлганлигини айтиш мумкин. Бу хоналардан сопол синиқлари ва тангалар топилди. Уларни ўрганиш натижасида қалъа мавжуд бўлган давр VII—VIII асрлар экандлиги аниқланди.

Тангалар орасида, айниқса, шоҳ ва малика тасвирланган мис танга кўпчиликнинг диққатини жалб этди. Тангадаги шоҳ қадимги Чоч турк ҳукмдорларига хос бўлган уч шохли дубулга кийган. Бундан олдин топилган кумуш лаганда ҳам худди ана шундай дубулга кийган жангчилар тасвири борлиги бу лаганнинг ҳам қадимги Чочда ясалганлигидан дарак беради.

Ўрта аср Чоч маданиятини ўрганишга бу археологик қазилмаларнинг натижалари ҳам сезиларли ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

◆ СПОРТ

ОРАЛИҚ ФИНИШ ЯҚИН

Яна бир турдан сўнг футбол бўйича СССР XXXV чемпионатида иштирок этаётган биринчи лига командалари биринчи давра ўйинларини тугаллайдилар. Шунинг учун командалар оралиқ финишга тезроқ ўринни эгаллаб етиб келишнитида барча куч ва имкониятларини сафарбар этишаяпти. Ҳозирча нелаги йили олий лигада ўйнаш ҳуқуқини берадиган икки йўлланмага Кишинёвнинг «Нистру» ва Липецкнинг «Металлург» командалари даъвогарлик қилмоқда.

Командаларнинг охирги 18-турдаги учрашувлари қуйидаги натижалар билан тугади: «Черноморец» (Одесса) — «Крылья Советов» (Куйбишев) — 3:0, «Строитель» (Ашхобод) — «Торпедо» (Кутаиси) — 2:3, «Металлист» (Харьков) — «Кузбасс» (Кемерово) — 4:2, «Олга» (Фрунзе) — «Спартак» (Нальчик) — 1:2, «Нефтчи» (Боку) — «Металлург» (Запорожье) — 4:0. Энг йирик ҳисоб Душанбе шаҳрида қайд қилинди. Маҳаллий «Помир футболчилари Оржоникидзенинг «Спартак» командасини 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

Ҳар икки пешқадамнинг учрашувида орани очиқ қилиш учун ўн бир метрли жарима тўпларини тепишга тўғри келди. «Нистру» (Кишинев) — «Звезда» (Пермь) ўйинининг асосий вақти 2:2 ҳисобида тугаган эди. Жарима тўпларини тепиш бўйича молдаван футболчилари 5:2 ҳисобида ғолиб чиқишди. «Текстильщик» (Иваново) — «Металлург» (Липецк) учрашувида ҳисоб очилмади. Шундан сўнг 11 метрли тўпларни тепиш бўйича меҳмонлар 7:6 ҳисобида ғалаба қозонишди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

СССРнинг иккинчи терма командаси билан Куба миллий терма командаси ўртасида Киевда бўлиб ўтган ўртоқлик учрашуви 1:1 ҳисобида дуранг натижа билан тугади. Тўпларни 48-минутда Дорофеев ва 80-минутда кубалик Дельгадо киритдилар.

* * *

Бельгиянинг «Де Бур» командаси баскетболчилари Фарғонада иккинчи ўртоқлик учрашувини ўтказдилар. Бу сафар меҳмонлар Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи спорт клубининг «Нефтянник» командаси билан куч синашдилар. Учрашувда 60:38 ҳисобида майдон эгаларининг қўли баланд келди.

● Ёз гашти

Завқли кунлар

Серқуёш ёз давом этмоқда. Республикамизнинг турли жойларида ташкил этилган пионер лагерларида мактаб ўқувчилари ёзги таътилни мароқ билан ўтказмоқдалар.

Шаҳримизнинг Чилонзор районидаги «Звёздочка» пионер лагери ҳам соя-салқин, хушманзара ерда жойлашган. Лагерда ҳозир 380 пионер ва ўқувчидам оляпти.

Қувноқ ўғил ва қизлар хушманзара боғнинг сўлим бағрида турли ўйинлар, спорт мусобақалари ўтказишади, теннис ўйнашади, акробатлар турли гимнастика машқларини бажаришади.

Лагерда куй-қўшиқ сира тинмайди. Бу ерда ёш ҳаваскорлар тўгарагида ҳар куни машғулотлар бўлади, баҳтиёрларга улар концертлар қўйиб берадилар. Булардан ташқари, лагердаги фото, шахмат-шашка, тикишбичиш тўгаракларида намунали ишлар олиб бориляпти.

Чапдаги суратда 4-отряднинг дам олувчилари гимнастика машқларини бажаряптилар. Юқоридаги суратда 1-отряд пионери, Глиэр номли музика мактабининг ўқувчиси Ботир Тошхўжаев ғижжакда куй ижро этмоқда.

Ҳ. ШОДИЕВ фотолари.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21 VII да — **Золушка, 22 VII да — Ойниқиз ва безори, Кармен-сюита** (Бир пардали балетлар);

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21 VII да — **Самандар, 22 VII да — Парвона.**

Кино

21 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

Анжелика ва қирол (2 серия) — «ЧАЙКА» (20.30), «СПУТНИК» (17.00, 18.00, 20.00).

Қора шаҳзода — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (жуфт соатларда, кечқурун), «ЧАЙКА» (18.00), «СПУТНИК» (21.00), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (20.45, 22.30).

Умидимиз денгизи — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (18.00), ҲАМЗА номли (17.00, 19.00, 21.00);

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — (19.00), **Текумзе** (22.00) — НАВОИЙ номли.

Қизил мантия — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда, кечқурун);

Олтин ўқ — «ВОСТОК» (жуфт соатларда, кечқурун);

Мангу севги (2 серия) — «САНЪАТ САРОЙИ (18.45, 21.15);

Самовий саргузаштлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (18.00).

ЕЗГИ БИНОДА

Қора синглим учун оқ гуллар — «РАКЕТА».

Самовий саргузаштлар — КИРОВ номли;

Анжелика ва қирол (2 серия) — ТЕЛЬМАН номли.

Қора шаҳзода — «ФЕСТИВАЛЬ».

Умидимиз денгизи — «ХИВА».

22 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

Анжелика ва қирол (2 серия) — «ЧАЙКА» (15.00, 20.30), «СПУТНИК» (17.00, 18.00, 20.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (20.00)

Умидимиз денгизи — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (12.00, 14.00, 16.00, 18.00), ҲАМЗА номли (17.00, 19.00, 21.00);

Филлар — менинг дўстларим (2 серия), (12.30, 16.00, 19.00), **Текумзе** (10.30, 22.00) — НАВОИЙ номли;

Мангу севги — САНЪАТ САРОЙИ (10.30, 13.15, 16.00, 18.45, 21.45);

Қора шаҳзода — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (11.00, 13.00, 18.00); «СПУТНИК» (11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 21.00); «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (10.30, 14.30, 15.00, 20.45, 22.30);

Қизил мантия — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун);

Олтин ўқ — «ВОСТОК» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун);

Самовий саргузаштлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (12.00, 18.00);

Рам ва Шам — ҲАМЗА номли (11.00, 14.00);

Қорақум қўйнида — «МОСКВА» (10.00, 11.30, 13.00);

ЕЗГИ БИНОДА

Қора синглим учун оқ гуллар — «РАКЕТА».

Анжелика ва қирол (2 серия) — ТЕЛЬМАН номли;

Қора шаҳзода — «ФЕСТИВАЛЬ»;

Умидимиз денгизи — «ХИВА».

Реклама ва эълонлар

Телевизор

21 ИЮЛЬ **Шанба**

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 17.25 Кўрсатувлар программаси. 17.30 Николай Островский номли пионер ва ўқувчилар саройи бадиий ҳаваскорлик коллективининг концерти (ўзбек тилида). **Рус тилида:** 18.05 Болалар учун мультфильм. 18.35 «Ахборот» информацион программаси. 18.50 «Шиддат». Бадиий фильм. **Узбек тилида:** 20.10 Ўн минут музика. 20.20 «Ахборот» информацион программаси. 20.40 Рангли телевидение. «Назм ва наво». **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 22.30 «Дала ишлари кундалиги». 22.45 «Буғдойзорлар оралаб». Бадиий фильм.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 17.25 Москва концерт заллари бўйлаб. Музикали кўрсатув. 18.15 Спорт программаси. 1. Рангли телевидение. Эшкак эшиш бўйича СССР чемпионати. 2. Сувга сакраш бўйича Европа кубоги учун. 19.15 Маҳсулотлар — халққа. 19.45 Рангли телевидение. Эстрада концерти. 20.25 Л. Н. Толстой. «Анна Каренина». М. Горький номидаги Москва бадиий академик театри постановкаси асосида фильм-спектакль. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Физкультура ва спорт» Телевизион журнал (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 22.30 «Анна Каренина». Фильм-спектаклнинг давоми. 23.50 Ҳужжатли фильм. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа. 17.25 дан Душанба кўрсатади.

22 ИЮЛЬ **Якшанба**

САВДО ХОДИМЛАРИ КУНИ

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 9.25 Кўрсатувлар программаси. 9.30 Янгиликлар. **Узбек тилида:** 9.40 Ўқувчилар учун. «Дўстлик фестивали». 10.10 Болалар учун мультфильм. 10.20 Ўқувчилар учун. «Ёш куч» спорт программаси. **Москва кўрсатади.** 11.00 Кўрсатувлар программаси. 11.05 Янгиликлар. 11.10 Ўқувчилар учун. «Ўринбосарлар маршда». 11.40 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан». 12.40 Бугун — савдо ходимлари куни. СССР савдо министрининг биринчи ўринбосари С. А. Трифоновнинг чиқиши. 13.00 Савдо ходимлари учун концерт. 13.45 Спорт программаси. 14.30 Ўқувчилар учун. «Москва таътиллари». Марказий болалар театри спектакли. **Тошкент кўрсатади.** 16.30 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 16.35 Болалар учун мультфильм. 17.20 Кичкинтойлар учун. «Ўйлаб топ». **Узбек тилида:** 17.50 Бугун — савдо ходимлари куни. 18.05 «Ахборот» информацион программаси. (рус тилида). 18.10 Рангли телевидение. «Баҳор ёмғири». Бадиий фильм. 19.20 Экран ҳандаси (такрорий кўрсатув). 20.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. **«Қайрат».** (Олмаота) — **«Пахтакор»** (Тошкент). 2-тайм. Олмаотадан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида киноочерк. 20.50 Ўн минут музика. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Савдо ходимлари учун концерт. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. **«Динамо»** (Киев) — **«Заря»** (Ворошиловград), Киевдан олиб кўрсатилади. 00.15 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Ўқув программаси. Узбек тилида: 11.00 Абитуриентлар учун. Математика. 12.00 Абитуриентлар учун. Физика. 13.00 «Ғнар тор ҳазинаси». Бадиий фильм. (рус тилида). **Москва кўрсатади.** 16.30 Рангли телевидение. Киносаёҳатчилар клуби. 17.30 Музикали киоска. 18.00 Қишлоқ янгиликлари. 19.00 Ҳужжатли экран. Кўрсатувни шоир Р. Рождественский олиб боради. 20.25 Рангли телевидение. Концерт. 20.45 Рангли телевидение. «Ота». Телеспектакль премьераси. **Тошкент кўрсатади. Рус тилида:** 22.00 «Киноэкран янгиликлари». 22.10 «Ўзбекистон савдо рекламаси». 22.30 «Лўли». Бадиий фильм. (ўзбек тилида).

Учинчи программа. 18.00 дан Фрунзе кўрсатади.

Радио

21 ИЮЛЬ **Шанба**

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Музикали глобус». 18.40 Спорт эшиттириш. 19.20 Уйғур куйлари. 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.28 Қўшиқлардан қўшиқларга. 23.10 Дам олиш концерти. 00.10 Тунги музикали программа.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Москва. 19.00 Ишлар ижоди (ўзбекча). 19.30 Тошкент области меҳнаткашлари учун эшиттириш. «Меҳнаткашларнинг ёзги дам олиши». 20.00 «Шашмақом»дан парчалар. 20.30 Савдо ходимлари кунига бағишланган суҳбат (татарча). 20.50 В. Ф. Суслов. «Музхоналар бугун ва эрта» (рус ча). 21.00 Эстрада-рақс концерти.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Ўзбекистон халқ артисти Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов». Музикали эшиттириш. 19.00 «Гулшан» радиожурнали.

22 ИЮЛЬ **Якшанба**

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. 7.45 «Мактаб ва жамоатчилик» (ўзбекча). 8.25 «Янги музикали ёзувлар». 9.30 Москва. «Ер ва эл» радиожурнали. 10.10 Эстрада концерти. 11.15 «Табассум» радиожурнали. 12.15 Москва. «Эрталабки салом». 13.30 Савдо ходимлари учун музикали эшиттириш. 15.00 Иқтисодий билимлар радиоуниверситети. «Илмий-техника тараққиёти ва Ўзбекистон саноатида кадрлардан рационал фойдаланиш». К. Исмоилов суҳбати (ўзбекча). 15.10 Савдо ходимларининг талабларига мувофиқ концерт.

18.00 Чўлқуварлар учун концерт. 18.30 «Мамлакат ва қитъаларда». 18.40 Ф. Умаров куйлайди. 19.20 Қўшиқ ва рақслар. 20.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. **«Қайрат» — «Пахтакор».** Олмаотадан олиб эшиттирилади. 21.10 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.18 «Табассум» радиожурнали. Такрорий эшиттириш. 23.10 Дам олиш концерти. 00.10 Тунги музикали программа.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Ташқиқ ижрочилар концерти. 9.30 Шарқ куйлари. 10.40 «Дўстлик тўлқинида». Молдавия радиосининг эшиттириши. 11.00 Москва.

19.00 Ўзбекистон ёш композиторларининг асарлари. 19.30 Классик куйларидан дам олиш концерти. 20.00 Москва. «Юность» радиостанциясининг программаси. 21.00 Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 Дам олиш концерти.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 Г. Доницетти. «Севимли ячимлик» операси. 17.40 Ўзбек операларидан саҳналар.

19.00 «Табассум» радиожурнали.

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

(Т. Шевченко кўчаси, 44-уй, телефон 32-09-72).

ноябрь байрами кунларида Москва шаҳрига экскурсияга бориш учун фабрика, завод ва маҳаллий касаба союз комитетларидан коллектив заявкалар

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Заявкалар 1 августгача қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Октябрь райондаги В. И. Ленин номли 28-ўрта мактаб томонидан **Сайфуллаев Қудрат** номига берилган 233035 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасининг партия ва жамоат ташкилотлари фабрика директори И. С. Аҳмаджоновга отаси

Салим АҲМАДЖОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОКШОМИ 21 ИЮЛЬ, 1973 й.

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ГОРКОМА КП УЗБЕКИСТАНА И ТАШГОРСОВЕТА

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, ДЗЕРЖИНСКИЙ КУЧАСИ, 15-УЙ,

ИНДЕКС 64579. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р—00640. Нашр В—2532.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор — 33-02-49 дан 33-02-58 гача. Эълонлар бўлими — 33-81-42.